

## **ПЕДАГОГИКА ФАНИ ШАКЛАНИШИ ТАЛҚИНИГА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

***И.А. Узоков***

*доцент, педагогика фанлари номзоди,*

*“Педагогика ва психология” кафедраси “АЛФРАГАНУС УНИВЕРСИТИЙ”*

*нодавлат олий таълим ташкилоти*

**Аннотатсия** Ушбу мақолада педагогика фанининг тарихан ривожланиши, методологияси ҳақидаги фикрлар ёритилган

**Калит сўзлар:** педагогика, таълим, тарбия, методика, методология, санъат, одоб, маданият, ахлоқ.

Педагогика-тарбия ҳақидаги фандир. Инсонларнинг маърифий ва маънавий баркамолликка муносабатларини ўзгарнб бориши натижасида педагогика (болани тўғри ҳаётга бошлаш санъати) фани халқ орасида ўз мавқеига эга бўлди. Шу тариқа инсонни тарбияловчи фан сифатида педагогика дунёвий фанлар тизими қаторидан алоҳида ўрин эгаллади. Унинг бош масаласи тарбиядир. Тарбиядаги кенг маъно таълим, ривожланиш, маълумот билан боғланган ҳолда баркамол инсонни вояга етказишни ўзида мужассамлаштиради. Педагогиканинг фан сифатида шаклланиб бориши ижтимоий - иқтисодий зарурият бўлиб, у турли фанлар билан қадим-қадим замонлардан бошлаб боғлиқликда ривожланиб келган. Аллоҳ, еру осмонни, бутун борлиқни инсон туфайли яратиб, унга ақл гавҳарини, тафаккур қилиш қобилиятини берди ва ер юзига халифа этиб юборди. Ўзининг мавжудлнги ҳар бир ишга қодирлигини, илмда тенгсизлигини, меҳру мурувватда беқиёслигини билдириди. Исломда илм беришда бир-бирига боғлиқ бўлган дин ва дунё ҳақида тушунча мавжуд, улар алоҳида тушунча эмаслиги исботланган. Дунёвий деб аталадиган илмларнинг барчаси Қуръони Карим таълимоти билан боғлиқ ва уйғундир. Чунки

исломий ҳидоятнинг бутун инсониятга қарата айтилган илк хитоби «ўқи» сўзи эди. Яъни, илк бор нозил бўлган «Алак» сурасида «Яратган зот бўлмиш Роббингиз номи билан ўқинг! У инсонни лаҳта қондин яратди. Ўқинг!» Демак, Қуръон инсониятни маърифатга, илмга чорлаб, ўрганмоқ учун ўқишини амр этмоқда. Шуни таъкқуламоқ керакки, педагогика фанининг методологик асоси диний ва дунёвний фанлар таркибида ривожланиб келган. Қуръонда «Илм» сўзи турли тилларда 765 марта такрорланади. Ғарб файласуф олимлари ҳам ислом фалсафасига суянган ҳолда ижод этганлар. Ислом таълимоти барча фанларнинг асосий негизидир. Француз файласуфи Жак Кондерсе «Тафаккур тараққиётининг тарихий манзараси чизгилари» номли асарида «Ўрта асрлар мусулмон оламида тўпланган илмий билимлар Ғарбда Уйғониш даврини тайёрлашга хизмат қилмаганида инсоният бесамар йўқолиб кетар эди», деб ёзганлиги сўзимиз далилидир. Қадимгн Юнонистонда Суқрот, Аристотель, Платонлар ғояга асосланган ўзларининг инсон камолоти ва тарбия масалаларининг фалсафий негизини яратган. Аристотель «Искандарга қилган насиҳати» да инсонни энг юксак фазилати тақводорлик, иймонли, илмли бўлишлигини алс чида таъкидлаган эди, яъни: «Тақводорлик иймон воситасида камол топади. Иймон эса фикру андиша соясида ҳосил бўлади», деган эди. Машҳур физик Энпгейн шундай деган: «Аллоҳга бўлган иймон илмий изланишларнинг энг улкан самарасидир». Форобий ўз даврининг буюк олими сифатида кўпгина фанларга оид асарлар ёзиш билан бирга Шарқда қадим юон фалсафаси, қадимиј дунёнинг энг машҳур олими Аристотелнинг асарларини ўрганиш уларга шарҳлар ёзиш ғояларини тарғиб этади ва файласуф ғоясини янада ривожлантиришга улкан хисса қўшади, бутун Шарқда «Иккинчи муаллим» унвашга сазовор бўлди. У юон олимлари Платон, Гален, Евклид, Парафий, Суқрот каби олимлар рисолаларига шарҳлар ёзди. Форобийнинг фикрича, мавжудотнинг энг буқж ва энг етуқ маҳсули-бу одамдир. Инсон ўзининг онги, ақли, сезиш қобиљиятига эгадир. Инсон ўз ақли ёрдамида ўзини ўраб олган мавжудотнинг моҳюггини тушунади. Форобийнинг педагогик таълимотлари ўз

даври учун, айниқса, катга аҳамиятга эга бўлиб, инсонпарварлик ғоялари билан сугорилган. Форобий инсонпарварлиги унинг таълим-тарбия, инсон шахсиятини камол топтиришнинг йўл-йўртқлари, илм-маърифатига эришувнинг усуллари, ижтимоий муаммоларни ечиш масалалари асосида ётади. Бу эса бугунги педагогиканинг метадологик асосларини яратишида ўз ўрни бор. Халқ оғзаки ва ёзма ижодиёти, халқ ёдгорлик обидалари тараққиёт жараённида пайдо бўлган, ривожланган ҳадрият даражасига қўтариғган анъаналар, урф-одатлар, расмруслар, амалий фаолиятда катга аҳамият касб этади. Педагогика фани методологиясининг яратилишида қомусий мутафаккирлар ва машҳур педагогларнинг ўрни диққатга сазовордир. Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Рудакий, Фирдавсий, Алишер Навоий, Воиз Кошифий, чех олими Ян Амос Коменский, швейцариялик педагог Иоганн Генрих Песталоцци, немис педагоги Адольф Дистерверг, рус педагоги К.Д.Ушинский кабилар ўз ижодиётларида педагогиканинг методологик асосини яратдилар. Педагогика фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари, тамойил, услугуб ва воситалари, умуман хар бир инсон учун зарур бўлган тарбиявий таъсирлар янгила асосга эга бўлиши керак. Аввало, педагогика фанининг методологик асоси, тадқиқот методлари, мақсад ва вазифалари, янги йўналишлари, таълим ва тарбия мазмуни, шакл ва методлари ҳамда бошқа қатор муаммолар янгила ёндашув миллий истиқлол ғоялари ва миллий мафкура асосида яратилиши муҳим. Шу билан бирга педагогика фанининг ҳам ўз илдизлари, сарчашмалари мавжуд. Маълумки, таълим-тарбия тарихига назар ташлар эканмиз мозийда ҳам энг муҳим, бош масала инсон, уни баркамол этиб тарбиялаш бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Энг қадимги манбалардан бошлаб, кейинчалик пайдо бўлган таълимий-ахлоқий асарларда ҳам назарий, ҳам амалий масалалар таҳлил этилганки, унинг асосида инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммоси марказий муаммо бўлган. Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асаридан бошлаб, Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойик», Саъдийнинг «Гулистон», Алишер Навоийнинг

«Маҳбуб ул-қулуб», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистан ёхуд ахлоқ» ва бошқа жуда кўп дидактик асарларнинг ҳар бирини бир педагогик дарслик десак янгилишмаган бўламиз. Ана шунда мазмунан янгиланаётган замон талаблари асосида шакланаётган педагогика - инсон рухиятига таъсир этувчи замонавий методлар асос бўлгандагина ҳақиқий, миллий ва замонавий тарбияшунослик фанига айланиши муқаррар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент, 1996. 24.
2. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Тошкент, 1994.
3. Алишер Навоий.М аҳбубул-қулуб. Тошкент, 1983.
4. Бозоров 0.,Шодиев Д. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий қадриятлар. Самарқанд: Зарафшон, 1992.
5. Беруний. Рухият ва таълим-тарбия ҳақида.Тошкент, 1992.